



Ислохот мевалари МАХСУЛОТ ХОРИЖГА

«Жаркўрғонпахта» хиссадорлик жамиятида ўтган йил режалари ошириб бажарилди. Тайёрланган махсулотлар АКШ, Чехославкия, Англия, Туркия, Швейцария, Хитой каби ўнлаб давлатларга жўнатилди.

Ишчи-хизматчилар меҳнатига яраша яхшигина даромад ҳам қилишмоқда.

Жумладан, маъмурият билан қасаба уюшма кўмитасининг имзолаган жамоа шартномасига асосан ишчиларнинг самарали меҳнат қилишлари учун ҳамма шарт-шароитлар бор. Мавзуд кўриштириш, линтерлаш, пресслаш цехлари, пахта қабул пунктларида дам олиш хоналари жиҳозлар билан тўлиқ таъминланган. Ишчи-хизматчилар телевизор кўриши, радио эшитиши, газета ва журналлар ўқиши мумкин. Ўтган йили меҳнат муҳофазасини яхшилаш бўйича 5 миллион 760 минг сўм маблағ ажратилди. Хотин-қизларнинг соғлиқларини тиклаш учун 2 миллион 803 минг, маданий-оқратув ишларга 434 минг сўм сарфланди. Меҳнат шариоити ноқулай бўлган ишчилар сут, қатик, озик-овқат, махсус кийим-бош, пойабзал ва бошқа гигиена ҳимоя воситалари билан таъминланган. Барча ходимлар йилда бир марта тиббий кўриқдан ўтадилар. Оғир шариоитларда ишлаётганларга бир ойлик иш ҳақининг 24 фоизи, кечки сменадагиларга 75 фоизи миқдорда қўшимча пул тўланмоқда.

Бундан ташқари меҳнат таътилига чиқаётган ҳар бир ишчи-хизматчи учун бир ойлик иш ҳақи миқдорда, ёш болали аёлларга 3 иш кунига қўшимча таътил бериб келинмоқда. Ҳар бир байрамда илгари ишлаб кетганлар ва фаришларга соғва-саломлар улашिलाди.

Хиссадорлик жамиятида 122 нафар хотин-қизлар меҳнат қилишади. Маъмурият ва қасаба уюшма кўмитаси уларга доимо ғамхўрлик қилиб келмоқда. Ишчиларнинг ишга бориб-келиши бепул. Корхона тасарруфидаги «Чучумо» болалар боғчасида 100 нафар жажжилар тарбияланмоқда. Ходимларнинг иш ҳақи ва мукофотлари вақтида берилаётган. Шу боисдан бўлса керак корхона иши доим бароридан келаётган.

Д. РУСТАМОВ.

Жамоа шартномалари амалда

Ишлаб чиқаришда, ташкилот, муассасаларда жамоа шартномасининг қабул қилиниши иш унумдорлигига, махсулот сифатига, энг муҳими меҳнатқашлар манфаатига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмоқда. Алоҳида эътироф этиб ўтиш зарурки, бугунги кунда жамоа шартномалари қонун ҳужжати чўчиға эға. Унинг ҳаётлигини таъминлаш Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши амалга ошираётган муҳим ишлардан бири, дейиш мумкин. Шу боисдан ҳам жамоа шартномаларининг қабул қилиниши, бажарилиши юзасидан доимий назорат олиб бориляпти. КУФКнинг меҳнатқашлар ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими мудири Маҳмуджон ИСАЕВнинг Қашқадарё вилоятига хизмат сифари айнан шу масала билан боғлиқ бўлди.

КАФОЛАТ

ноқулай, зарарли шароитда, тунги сменада ишлаётганларга алоҳида имтиёзлар

«Шахрисабзконсерва» акциядорлик жамияти жамоасининг ютуқлари таҳсинга лойиқдир. Ўтган йили қабул қилинган 14 боб 88 моддадан иборат бўлган жамоа шартномасида асосан жамиятнинг иқтисодий фаолиятига алоҳида эътибор берилиб, бу соҳада амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар ўз ифодасини топган. Сабаби, ушбу шартномада белгиланган тадбирларнинг бажарилиши аввало жамиятда ишлаб чиқаришнинг қандай йўлга қўйилганлигига, махсулот сифати ва унинг сотилишига, иқтисод, тежамкорлик ва ниҳоят ҳар бир жамоа аъзосининг ўз вазифасига масъулият билан ёндашишига боғлиқ.

Ўтган йилда корхонада 1998 йилга нисбатан махсулот ишлаб чиқаришининг ўсиши 109,8 фоизга өтган. Ҳар бир киши ҳисобига 1 миллион сўмга яқин махсулот ишлаб чиқарилган. 50 миллион сўмга яқин соф даромад олинган.

Жамоа шартномасида кўрсатилганидек, 1 дан 6-разрядгача ишбай ва вақтбай, шартнома шакллари қўлланилиб, иш натижаларига цехлар, бўлимлар, ҳар бир ходимнинг қўшаётган ҳиссасига ва малакасига кўра меҳнатга ҳақ тўлаш жорий этилган. Ишчи ва хизматчиларга тўланган жами иш ҳақи салкам 77 миллион сўмни ташкил этади.

Ноқулай ва зарарли меҳнат шариоитларида ишлаётганлар иш ҳақиға 6-10 фоиз, бригада бошлиқлари учун 10-15 фоиз қўшимча ҳақ, тунги сменаларда, ишдан ташқари вақтларда, дам олиш ва байрам кунларида ишлаганларга 2 ҳисса ҳақ тўланганлиги ҳам жамоа шартномасида кўрсатилган талаблардан келиб чиқади.

Кейинги тўрт йил ичида жамиятда иш ҳақи кечиктирилмасдан ҳар ойнинг бошида тўлаб келинмоқда. Айтиш жоизки, меҳнатни муҳофаза қилиш, ишловчилар учун қулай иш шариоити яратиб бериш масаласига алоҳида эътибор берилаётган. Жамоа шартномасида белгилаб қўйилган техника хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси

бўйича тадбирларга 3 миллион сўм атрофида маблағ сарфлаш кўзда тутилган эди. Жамоадаги меҳнатни муҳофаза қилишга алоқадор мутахассисларнинг астойдил саъй-ҳаракати билан ушбу тадбирларга салкам 4 миллион сўмлик маблағ сарфланди.

Қўлланилаётган амалий чора-тадбирлар туфайли жамиятда кейинги йилларда ишлаб чиқаришда ўлим билан боғлиқ ҳоҳида ва жароҳат олишлар содир бўлмади. Амалдаги қонунлар ва жамоа шартномасига мувофиқ махсус жадвал ишлаб чиқилиб меҳнат шариоити ноқулай ишларда банд бўлган ишчилар, шунингдек, раҳбарлар, бош мутахассислар, цех ва бўлим бошлиқлари, кичик мутахассисларга 6 кундан 9 кунгача, корхонадаги бошқа ходимлар ҳам лавозимидан қатъий назар иш стажларига қараб 2 кундан 5 кунгача, оила кураётган йигит-қизларга ҳам 7 кун, фарзандининг тўйини ўтказибётган ходимга 3 кун, дафн маросимлари учун 5 кун қўшимча таътил белгиланди.

Яна бир эътиборли томони шундаки, ўтган йилда биронга ҳам меҳнат шартномаси иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилинмаган. Ходимларни доимий ёки вақтинча бошқа ишга ўтказишда амалдаги меҳнат қонунлари талабларига тўлиқ риоя этилиши, иш берувчи ва ходим ўртасида келишмовчиликлар бўлмаганлиги жамият раҳбари Неймат Исмоилов ҳамда ушбу жамоанинг қасабақўи раиси Мўмин Азизовларнинг яқин ҳамкорлигидан дарак беради.

Шу жумладан, корхонанинг келгуси истиқболларини кўзлаб, жамоадаги консерва ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган олий маълумотли мутахассислардан Тошкент кимё технология институтига шартнома асосида 20 киши ўқишга юборилиб, сиртки бўлимга қабул қилиндилар.

Бозор иқтисодиётининг ўзига хос қийинчиликлари кўп бўлган ҳам таъминланган оилаларни ижтимоий-иқтисодий муҳофаза қилишни тақозо этади. Шу боис-

дан жамият маъмурияти ана шундай ҳодимларга амалий ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ масалаларни жамоа шартномасида батафсил кўрсатиб берган. Жумладан, ишчи хизматчиларга 10 миллион сўмга яқин оват пули, 572 кишига 1,5 миллион сўмга яқин ёрдам пули сарфланди.

Ходимларнинг фарзандлари асосан «Ширин», «Гулгўнча» болалар боғчаларида тарбия оладилар. Уларнинг болалари учун боғча хизматига тўлайдиган пулининг тенг ярми жамият ҳисобидан бўлди. Бу масалаларга ҳам 1 миллион сўмликдан ошик маблағ ажратилди.

Жамият томонидан ишлаб чиқариш илғорлари, корхонада узоқ йиллардан буйен меҳнат қилиб, унинг ривожланишига ўз ҳиссасини кўшган ва кексалик пенсиясига чиқаётганлар байрамларда мукофотлар билан тақдирланмоқда. Бундан ташқари, жамоа шартномасига кўра пенсияга чиққанларнинг ҳар бирига 20 минг сўмдан бир йўла моддий ёрдам пули ҳам тарқатилди.

Ходимларнинг соғлигини муҳофаза қилиш масаласи ҳам диққат марказида. Жамият қошида ташкил этилган соғломлаштириш марказидаги сиҳатгоҳда улар ўн кундан иш ҳақи ва оват пули сақланган ҳолда даволаниб чиқмоқдалар. 1999 йилда бу ерда 300 киши даволанган бўлса, уларнинг аксарият қисмини аёллар ташкил этади. Уларга жамият маблағи ҳисобидан 700 минг сўмлик атрофида дори-дармон олиб берилди. Бундан ташқари 30 киши Мироки, Қашқадарё соҳили, Матлуботчи, Чинобод санаторийларига, Семашка ва Федорович номли тиббий марказларда даволандилар. Яққабдоғдаги болалар ревмотология санаторийсида ҳам 70 нафар она ва бола соғлиқларини тиклашди. Ёзги таътил мавсумида Гулнора оромгоҳида 100 га яқин бола дам олиб қайтдилар.

Жамоа шартномасига мувофиқ жисмоний тарбия, маданий-маърифий соҳадаги қилинган ишлар ҳам айтса арзиғулик. 204 минг сўм спорт анжомлари учун, бокс тўғараги иштирокчиларининг турли мусобақаларга қатнашишлари учун 166 минг сўм маблағ ажратилди. Шунингдек, клубнинг бир қисми таъмирдан чиқарилиб, 480 минг сўмликка яқин мусика асбоблари сотиб олинди. Ходимларнинг 2000 - йилги газета ва журналларга ёзилишида 500 минг сўмлик яқка тартибдаги обуна харажатлари жамият маблағи ҳисобидан қоланди. Жамият қошидаги савдо дўкони, эркаклар ва аёллар сартарошонаси ва шунга ўхшаш маиший биноларнинг хизмат кўрсатиши яхшиланди. Ҳар бир ходим ўз вазифасига масъулият билан ёндаша, жамият мулкига шахсий мулки сифатида муносабатда бўлса, жамиятнинг молиявий-иқтисодий аҳволи бундан кейин ҳам мустаҳкамлиги бороверади. Бу ўринда жамоа шартномаси муҳим ўрин эгаллашини эса ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Дилором АЛЛАКУЛОВА, «Ишонч» муҳбири.

«Ишонч»га мактуб

МЕҲНАТГА ҲУРМАТ ШУМИ?

Ҳурматли тахририят!

Одамга алам қилар экан. Йил ўн икки ой далада тер тўксанг-у, хизматингга яраша ҳақ ололмасанг. Биз меҳнат қилаётган Қасби туманидаги «Комилон» жамоа ширкат хўжалигида дала меҳнатқашларининг ҳолидан хабар оладиган, бозор иқтисоди шароитида моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлайдиган раҳбарнинг камлиги қалбимизни тирнайди. Йиллаб иш ҳақимизни ололмасдан сарсонсаргардон бўлялғимиз. Назот истаб бормаган жойимиз қолмади. Туманда чиқадиган «Садоқат» газетасининг 1999 йил 7 май сониде «Иш ҳақиға чит, нафақага хаскаш», шу йилнинг 21 январ сониде «Меҳнатимизга яраша ҳақ олсак...» сарлавҳали танқидий мақолалар чоп этилди. Аммо натижа бўлмади. Танқид хўжалик раҳбарларига қор қилмади.

Нормамат Муновваров бошлиқ бригадасида ишчи бўлиб ишлайман. 1999 йилда ишлаган иш ҳақидан 15 минг сўмини ханузгача ололганим йўқ. Ҳақиқат излаб туман судига мурожаат этдим. Адвокат келиб хўжалик фаолиятини ўргангач, менга 2000 сўм иш ҳақи берилди. 1998 йилда тугилган ўғлимга тўланадиган нафақани ханузгача ололганим йўқ.

Вазирлар Маҳкамасининг «Иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши учун вазирликлар, идоралар ва хўжалик юридувчи субъектлар раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарориде иш ҳақи ва нафақаларни ўз вақтида берилишини таъминлаш раҳбарларнинг энг асосий вазифаси эканлиги алоҳида таъкидланган. Аммо бизнинг раисимиз Мустафо Шаниев ўз билганидан қолмайди. Иста-иш ҳақи, нафақани беради. Истамаса йўқ. Чунки унинг мушугини пишт дейдиган мард топиламапти.

Амрулла АРАБОВ, Қасби тумани «Комилон» жамоа ширкат хўжалиги.

ЯНГИЧА ИШЛАШ САМАРАСИ

Фарғона вилоятидаги «Кувасойцемент» хиссадорлик жамиятида ишлаб чиқарилаётган махсулотларга талаб кескин ортмоқда. Бу эса ишчиларнинг меҳнатга, мулкка бўлган муносабатини кескин оширди. Махсулот тури ҳам кўпая бошлади. Жумладан, илгари хорждан олиб келинган ошак уничи тайёрлаш йўлга қўйилди. Юқори сифатли цемент ишлаб чиқарила бошланди.

Янгича иш юритиш корхона иқтисодий имкониятларини янада кенгайтди. Ишлаб чиқаришдаги барқарорлик ҳомишэ етказиб берувчи шериклар ўртасида ўзаро ишончи алоқаларнинг янги кўринишларини шаклландирди. Натижада Россиянинг «Урал азбест», «Оренбург азбест» ва Қозғистондаги турдош корхоналар билан ҳомишэ етказиб бериш боради мунтазам ҳамкорлик алоқалари ўрнатилишига эришилди.



Наманган вилоятида маҳаллалар фаолиятини кучайтириш, шаҳар ва қишлоқлар ободонлиги борасида мунтазам иш олиб боришмоқда. Наманган тумани ҳокими, Олий Мажлис депутаты Рустамжон Исмаилов бошчилигида аҳоли саломатлигини сақлаш, янги тиббий муассасалар барпо этиш жадал амалга оширилмоқда. Туман ҳокимлиги ташаббуси билан яқинда тадбиркорлар ва фермер хўжалиқлари кўмағида хашар йўли билан 30 ўринли «Тез тиббий ёрдам» пункти қурилди.

Суратда: ишчи Абдулазиз Холматов.

Бахтиёржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

ТАДБИРКОРЛАРНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАБ

Қашқадарёда тижорат банклари томонидан шу йилнинг биринчи чорағида тадбиркорлик субъектларига 614,8 миллион сўмлик кредит берилди. Бу ўтган йилнинг шу дариға нисбатан 161 фоиз кўпдир. Бюджетдан ташқари фондлар маблағларидан берилган имтиёзли кредитлар миқдори эса 54,7 миллион сўмни ташкил этмоқда. Тадбиркорларга бандлик жамғармаси маблағлари ҳисобидан 46,6 миллион сўм имтиёзли кредит берилгани қувонарли ҳолдир. Шунингдек, «Бизнес-фонд»нинг 8,1 миллион сўмлик имтиёзли кредити ҳам тадбиркорларга етиб борди.

2000 йил — Соғлом авлод йили

Ёшларни жисмоний тарбия ва спортга жалб этишга оид ишлар яхши ташкил қилинганлиги, уларга малакали сабоқ берилганлиги боис ўтган йиллар ичида туманда иқтидорли спортчилар етишиб чиқди. Оқдарёлик Наврўз Усмонов, Бахтиёр Пулатов каби ёшлар нафақат республикамиз миқёсида, балки халқаро спорт майдонларида ҳам юқори натижаларга эришилди.

БАРКАМОЛЛИК МЕЗОНИ

Ватаннинг тақдири, миллатнинг равнақи бугун ёшларни қандай тарбиялашимизга, уларнинг шуури ва қалбига миллий рух, соғлом турмуш тарзини қай даражада синғдира олишимизга боғлиқ. Маданият, маънавият, таълим соҳасидаги ҳукуматимиз қарорларида ана шу гоя мужасам. Айниқса, «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва кадрлар тайёрлаш миллий Дастурида бу борадаги вазифалар аниқ белгиланган. Шуларга асосан туманимизда бир мунча ишлар қилинди. Туман ва вилоят ҳокимликлари кўмағида туманимиздаги мактабларнинг моддий-техника базаси анча яхшиланди. Хусусан, кейинги йилларда «Ўзбекистон», Улуғбек номли, Бобур номли, Н.Пиримқулов номли, Р.Ҳамроев номли, «Янгиқўрғон» жамоа хўжалиқлари худудидаги мактабларда умумий ҳисобда 850 ўринли қўшимча синф хоналари, 44-мактабда эса спорт зали қурилди, мактабларни жиҳозлар билан таъминлаш яхшиланди. Буларнинг ҳаммаси мустақиллик шарофатидир, албатта.

Шу билан бирга айрим масалалар ҳам борки, бу ҳақда ҳам тўхталиш керак, албатта. Масалан, вилоят ҳокимлигининг капитал қурилиш бошқармаси томонидан 7-умумтаълим мактабининг янги биноси қурилиб, 1998 йилда фойдаланишга топширилган. Лекин лойиҳада кўзда тутилган ишлар тўлиқ бажарилмаган. Эҳтимол ўша вақтда маблағ етишмагандир. Бу ишлар тезлаштирилса дуруст бўларди. Чунки ёгин-сочинли кунларда жисмоний тарбия дарсларини, спорт тадбирларини ўтказишга қийналиб қолинапти.

Умуман, туман мактабларида жисмоний тарбия дарсларининг, спорт тадбирларининг ташкил қилиниш даражаси ёмон эмас. Шунинг натижа-си ўлароқ спортчи ўқувчилар вилоятда ўтказилган ўқувчилар спартакиадасида юқори натижаларга эришдилар. Республика миқёсида ҳам муваффақиятлар бор. Аммо бу ишни фақат мактаб жамоасининг зиммасидагина қолдириш дуруст эмас. Ота-оналар ҳам бош қўшишса, айталик, болаларни спорт қийимлари билан тўлиқ таъминлашса, шуғулланишлари учун рўзғор юмушларини чеклаб вақт ажраттишса айна муддао бўларди. Негаки, ёш авлод-ни қамолотга етказиш ҳаммининг вазифасидир.

Шоҳида НЕЪМАТОВА, Оқдарё туман халқ таълими бўлими мудири.

Бола кўлсин жаҳонда

Қасаба уюшмалари Сирдарё вилоят Кенгаши болаларнинг ёзги таътили мароқли ўтиши учун пухта ҳозирлик кўрмоқда. Айни кунларда улар дам олиш-ини ташкил этишга доир бир қатор тадбирлар ишлаб чиқилди.

Жорий йилда барча шарт-шароитларга эға бўлган 15 та ёзги оромгоҳ 8 минг нафар келажак ворислари ихтиёрига бериб қўйилади. Шу кунларда ана шу дам олиш масканларида таъмирлаш ишлари бошлаб юборилган ва 15 майда оромгоҳларни тахт қилиб қўйиш

ТАЪТИЛ МАРОҚЛИ ЎТАДИ

мўлжалланмоқда. Айниқса, ўз дам олиш масканларига эға бўлган ташкилотлар бу йилги мавсумга алоҳида ҳозирлик кўришяпти.

— Болаларнинг дам олишини ташкил этиш қасаба уюшма ташкилотларининг муҳим вазифаларидан бирига айланиб бормоқда, - дейди вилоят қасаба уюшмалари Кенгаши раиси ўринбосари, таълим ва фан ходимлари қасаба уюшма кўмитаси раиси Қаршайбў Шиназаров. - Биринчи босқичда 2500 нафар, иккинчи босқичда эса 5500 нафар ўқувчилар шаҳар ташқарисида дам олишади. Шунингдек, шаҳар ва туманларда 30 та мақтаб қошидаги лагерларни ҳам очиш ниятимиз бор. Бу ерларда меҳнатқашларнинг 7000 нафардан зиёд ўғил-қизлари ўз саломатликларини мустаҳкамлашади.

Н.ШАМСИЕВ, «Ишонч» муҳбири.

«Ишонч»га жавоб берадилар

«ТОР ЖОЙДА ТОМОШАМИ?»

«1998 йил баҳориде ура-ура билан фойдаланишга топширилган бу спорт иншооти эндиликда бум-бўш. Халигача бирорта мусобақа ўтказилганлигини қасбиликлар эслай олмайдилар. Қизик, қатта маблағ эвазига қурилиб, бугун ҳеч ким қадам босмаётган қорт қимға ва нима учун қарақ?»

«1998 йил баҳориде ура-ура билан фойдаланишга топширилган бу спорт иншооти эндиликда бум-бўш. Халигача бирорта мусобақа ўтказилганлигини қасбиликлар эслай олмайдилар. Қизик, қатта маблағ эвазига қурилиб, бугун ҳеч ким қадам босмаётган қорт қимға ва нима учун қарақ?»

Газетамизнинг шу йил 25 март сониде ушбу сарлавҳа остида ёзилган мақолада юқоридагидек қамчилик ва нуқсонлар баён қилинган эди. Қасби туман ҳокимининг ўринбосари Б.Каримовнинг тахририятимизга йўналган жавоб хатиде мақола шу йил 6 апрел кунини туман ҳокимлигида туман жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси, «Наваҳор» футбол клуби, туман халқ таълими бўлимига қарашли болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, футбол мактаби, миллий кураш фе-

дериацияси масъул вакиллари иш-тироқиде муҳоама қилинди. Мухоамада теннис кортини талаблар даражасида жиҳозлаш, ёш теннисчиларнинг мунтазам шуғулланишлари учун етарли шарт-шароитлар яратиш юзасидан аниқ тадбирлар белгилаб олинди. Ҳозирда болалар ва ўсмирлар спорт мактабиде ташкил этилган теннис гуруҳида ишлар теннис ўйини сирларини ўрганишмоқда. Унинг мунтазам ишланиши таъминлаш, янгидан тўғарақлар ташкил қилиш, қатта теннис мусобақаларини уюштириш вазифаси туман спорт кўмитаси зиммасига юклатилди.

«Дўстлик» ўйингоҳининг маъмурий биносиде жойлашган «Наваҳор» футбол клуби таъмирланган бинога кўчирилди. Клубни молиявий жиҳатдан мустаҳкамлаш мақсадида унинг қошида «Алпомиш» кичик корхонаси ишга туширилиши тадбирлари қўрилмоқда. Бундан ташқари «Дўстлик» ўйингоҳини андозаларга мос ҳолга келтириш учун таъмирлаш ишлари олиб боришмоқда. Сув қувурлари таъмирланиб, телефон алоқаси йўлга қўйилди. Қўшимча 2 та хона ҳам фойдаланишга топширилди ва у туман миллий кураш федерацияси ихтиёрига берилди.

Туманда жисмоний тарбия ва спортнинг барча турларини ривожлантириш юзасидан аниқ тадбирлар белгилаб олинди.




Хотира

Йигирма саккиз ёшида Ўзбекистон халқ артисти унвонини олган, элга танилиб, унга умрининг охиригача садоқат билан хизмат қилган Сойиб Хўжаев хонадонидан эканман, санъаткорнинг умр йўлдоши Файзиҳон ая оғзидан эшитганим мана бу хикоятдан гоят мутаассир бўлдим.

— Бир гал «Тошболта ошиқ» кўйиладиган кунлари бегоб бўлиб қолдилар. Хароратлари қирқдан ошиб кетди. Менинг жоним халагу у киши бўлса. «Тумонат одам мени кутиб ўтирса-ю, бу ерда ётаверсам... Ақлга тўри келмайди-ку!» дедилар-да, театрларига жунаб қолдилар.

— Шунинг учун ҳам барча севарди-да у кишини, гага қўшилди драматург Хайдар Муҳаммад. — Бир кун Сойиб ака билан трамвайда кетаётган эдик. Ёнимизга ўрта ёшли бир одам келди-да, «Сиз Сойиб Хўжаев бўласиз-а!» деб сўради, сўнг жавобимизни ҳам кутмай «Оиламиз билан сизни хурмат қиламиз. Хозир бизни кига борасиз. Хотиним чучурага жуда уста. Бир чучура хурмат қиламиз! Кейин ўзим уйингизга элтиб қўяман», — деб туриб олса бўладими?! Устоз рози бўлмадилар, «Спектаклга боришим керак» деб зўрга қўшилдилар. Халиги театр ишқибози энди мени уйга таклиф эта бошлади. «Сойиб кизиқни ҳамроҳи экансиз. Меҳмонимиз бўлинг» деб оёқ тираб туриб олди. Шунда мен «Машхур санъаткорлар кўпу севиқли санъаткорлар оз...» деб ўйлаб қолдим...

ХАЛҚ СЕВГАН САНЪАТКОР




Ўзбекистонда Сойиб Хўжаевни танимайдиган инсон йўқ эди, десак муболага бўлмайди. Театрда, айниқса кинода ижро этган роллари Сойиб акани чинакамига халқ севган санъаткор даражасига олиб чиққан эди. Лекин кўпчилик Сойиб Хўжаев анча илгарироқ суратга туша бошлаганини билмайдди. Аслида эса актёр 1939 йилдаёқ, овозли кинонинг дастлабки асарларидан бирида — «Оддий воқеа» киноновелласида журналист ролини ўринлатиб ўйнаган. Худди ўша кезлари ана бир ҳажв устаси — Раҳим Пирмуҳаммадов билан дўстлашиб қолган. Икки «қулдрувчи» актёр «Оддий воқеа» фильмининг ҳажвий тус-то-

бўлди» ҳам компартиянинг махсус қароридан қораланди. Севги, бурч ва оила масалаларига бағишланган бу фильмда ҳам С.Хўжаев таъсирчан ҳаётий образ яратган эди.

Актёрни ўлкамиздагина эмас, хорижда ҳам севишадди. 1965 йилнинг баҳорида барчамизга маълум бўлган «Ёр-ё» бадий фильми Москвада ҳам С.Хўжаев таъсирчан ҳаётий образ яратган эди.

Актёрни ўлкамиздагина эмас, хорижда ҳам севишадди. 1965 йилнинг баҳорида барчамизга маълум бўлган «Ёр-ё» бадий фильми Москвада ҳам С.Хўжаев таъсирчан ҳаётий образ яратган эди.

Шу каби воқеаларни эслаб, ҳикояларни тинглаб, элга дoston бўлган актёрнинг устахонаси сирларини билгинг, фильм ҳамда спектакллари қайта кўринг, ўргангинг, Сойиб аканинг саҳна ва экрандаги шериклари, шогирдлари билан суҳбатлашгинг келади. Халқ артисти Хусан Шарипов шундай хикоя қилади: — «Тошболта ошиқ» спектакли эндигина бошланган, Сойиб ака Парини сўроқлаб долманинг уйига эндигина келган дақиқаларда бир галамиз телефон орқали шум хабар тарқатди. «Саттор исмли ўғилларини автотомашина уриб кетди...» — Бу ноҳус хабар дарҳол саҳнага қадар етиб борди. Парда ёпилди. Сойиб ака: «Уйнамайман. Томошабин пулини ўз ёнимдан қайтараман...» деб саҳнага чиқишга ҳеч унамидилар. Раззоқ Ҳамроев, Ҳамза Умаров, Бахтиёр Ихтиёров — барчамиз илтимос қилиб, спек-



Сочларим толим-толим, Майдалаб ўролмайман.

НАМАНГАНДА ТЕННИС БАЙРАМИ

Наманганда бирин-кетин икита теннис турнири бўлиб ўтади. Бу турнирларнинг ҳар бири вилоят спорт ҳаётида сезиларли из қолдириши шубҳасиз.

«Хавас-2000» деб номланган биринчи турнирда вилоят ҳокими ўринбосарлари, шахар ва туман ҳокимлари, санаткор хоналари, муассасалар ва ташкилотлар директорлари миқёсидаги маҳаллий раҳбарлар иштирок этади.

Май ойининг биринчи ўн кунлигида ўтказилиши мўлжалланган иккинчи турнирнинг мавқеи янада юқори. Наманганда Халқаро теннис федерацияси ташаббуси билан эркаклар ўртасида аънавий халқаро турнир бўлиб ўтади. Дастлабки маълумотларга кўра, турнирда Европа, Африка, Лотин Америкаси, шунингдек, АҚШ ва Австралия каби 25 мамлакатдан 80 нафар профессионал теннисчи иштирок этиши кутилмоқда. Турнир давомида тўланган ҳоллар теннисчиларнинг халқаро таснифдаги рейтингини аниқлашда ҳисобга олиниши ҳам турнирнинг юқори нуфузидан далолат беради.

ҚИШЛОҚ ШИФОХОНАСИ

Наманган туманидаги Невматжон қишлоғи аҳолиси энди шифокорлар кўригидан ўтиш учун ўнлаб километр йўл босиб, туман марказига бормайди. Қишлоқнинг ўзида хусусий касалхона очилди.

Қишлоқда очилган бу дастлабки шифохона бу ерда истиқомат қилувчилар учун уларнинг ҳамюртлари — Ганижоновлар оиласи томонидан ташкил этилди. Бу ерда нафақат ётиб даволаниш, балки қатнаб муолажа олиш мумкин. Шифохонада икки касалликларни даволаш билан бирга жарроҳлик операциялари ҳам ўтказилади. Даволаш учун тўланадиган ҳақ унча катта эмас. Айни пайтда қишлоқ ҳудудида жойлашган «Зарбдор» ширкат ишчилари бепул даволанади. Улар хўжалиқнинг ўзига хос тиббий суғуртасидан фойдаланиш имконига эга.

МУНАЖИМЛАР ТАЪБИРИ

ҚҮЙ (22 март - 21 апрел) Ўта ширин ҳаёллар оғушида юриб, реал ҳаёт чигалликларини деярли унутасиз. Оқибатда таниш-билишларингиз олдида қулги бўлишингиз хавфи бор. Ҳар бир ишни аниқ режа асосида бошлаб, ҳисоб-китоб билан якунланг. Акс ҳолда моддий жиҳатдан ҳам кўп нарса ютқазасиз. Хўшёр бўлинг!

БҮЗОҚ (22 апрел - 21 май) Чоршанбани истисно қилганда ҳафта давомида моддий масалаларда омадингиз келади. Аммо яширин интим масалаларда сирингиз ошқор бўлади. Берган ваъданингизнинг устидан чиқолмасдан таъбингиз хира тортиши эҳтимоли бор. Ҳафта давомида асосий эътиборни оилага қаратинг.

ЭГИЗАКЛАР (22 май - 21 июн) Ҳафтининг биринчи ярмида боши берк кўчага кириб қолишингиз тахмин қилинмоқда. Бундай ҳолатда сезгингиз, аниқроқ айтганда кўнглингиз буюрганини қилинг. Айрим ҳолларда таваккал ҳам асқотиши мумкин. Баъзи кишилар саломатликларидан шикоят қилишлари эҳтимоли бор.

ҚИСҚИЧБАҚА (22 июн - 21 июл) Кўчмас мулк олди-сотида билан боғлиқ ишда берган сўзингиздан қайтишга мажбур бўласиз. Натихада яқин кишингиз билан орангизга совуқлик тушади. Бунга йўл қўймаслиқнинг бирдан-бир йўли юқорида таъкидланган ишга, имкони борича қўл урмаслик, вассалом!

АРСЛОН (22 июл - 21 август) Оила аъзоларингиз билан чигал масалаларни муҳокама қилганда ўта қатъийлик қилманг. Бир сўзлик ҳолатлари сизга фойда келтирмайди. Бундан ташқари бирор ишда таваккал қилишингиз ҳам катта хавф билан боғлиқ. Ҳафта давомида ҳуқуқ-тартибот идоралари билан муносабатингизни бузмасликка ҳаракат қилинг.

СУНБУЛА (22 август - 21 сентябр) Пайшанбагача юмушларингизда жиддий ижобий силжиш юз беради. Ҳафтининг қолган кунларида эса ҳар жабҳада бирин-кетин чигалликлар пайдо бўлиши кутилмоқда. Тажанглигингиз ошади. Аммо бу асосий ишларингизга монелик қилмайди. Ўзингизни руҳан бардам ҳис этасиз.

ТАРОЗИ (22 сентябр - 21 октябр) Ҳамкорлингиз билан баъзи масалаларда тил топшишингиз мушкуллашади. Бунинг сездирмасликка ҳаракат қилсангизда, умумий ишларингизнинг унумидан кўзга ташланиши мумкин. Шу боис муаммони чуқурлаштирманг. Аввал бошиданок орани очиб қилиб гаплашган маъқул.

ЧАЁН (22 октябр - 20 ноябр) Илгары бошлаб, ниҳоясига етказилмаган ишлар билан машғул бўлинг. Негаки, бир қарашда унчалик зарурдек бўлиб кўринмаган юмуш бу ҳафта ҳар нарсадан долзарброқ туюлади. Эътибор қилинмаса кўп ўтмай жиддий муаммага айланиши кутилмоқда.

ЁЙ (21 ноябр - 20 декабр) Ўта нозик-таъб ва таъсирчанлигингиз туфайли ҳар қандай иқир-чиқирдан ҳам тажангашасиз. Бу эса ўз навбатида ишингиз унумига салбий таъсир ўтказиши мумкин. Шу сабабли ҳафта давомида унча жиддий бўлмаган юмушлар билан банд бўлишни маслаҳат берамиз.

ЭЧКИ (21 декабр - 20 январ) Бошингизга не бало келса, тилингдан кўр, дейдилар. Бу кунларда яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам фақат ўзингизнинг хатти-ҳаракатингиз давраларда айтганда сўзингизга боғлиқ. Тилингизни қанча тийсангиз, ишларингиз шунча юришади. Кишилар билан муносабатингиз ҳам шунча илиқлашади.

ҚОВГА (21 январ - 19 феврал) Молия масалалари билан боғлиқ режаларни зудлик билан амалга оширишга киришинг. Бу кунларда айнан шу ишлар бароридан келади. Оилавий муаммоларни ҳафтининг сўнги кунларига қолдиравинг, ютқазмайсиз. Қўниқўшиллар билан муносабатда босиқликни унутманг.

БАЛИК (20 феврал - 21 март) Олма пиш, оғзимга туш, қабилида иш кўрувчилар бу ҳафта ниҳоятда қийналишади. Кун кечириш шундай ҳам оғир бўлганлар бу ҳафта жиддий ўйлаб кўрсинлар. Ҳар қандай шароитда ҳам бор имкониятларини сафарбар этиб ишлашлари жуда зарур.

Тоғ талабгорлари

Шахмат тоғи учун расмий кураш бошланганига юз йилдан ошди. Дастлабки бир неча ўн йил давомида талабгор чемпион шартларни бажарса кифоя эди. Кейинги 50 йил давомида эса тоғ талабгори туркум мусобақалар орқали аниқланмоқда.

У Андерсеннинг шогирди бўлганда ҳам истеъдодли шогирди эди. Устози каби у ҳам, комбинациясиз шахмат санъати бўлмайди, ёрқин юришларсиз, дадил ҳужумларсиз кураш — кураш эмас, деб ҳисобларди.

Эҳтимол кўплаб учрашувлар пайтида устоз ва шогирд шу ҳақда суҳбатлашган бўлсалар ажаб эмас. Нима бўлганда ҳам шогирд устозига муносиб эди.

Иогани Герман Цукерторт таржимаи ҳолидаги кўп нарсани кишини таажубга солади. Талантининг кўп қирралилиги жиҳатдан у фан ва санъатнинг кўплаб соҳаларида чўққиларни забт этиши мумкин эди. Хусусан, у ажойиб шифокор бўлиб, тиббиётда ҳам юксак истиқбол кутарди. Машхур филолог бўлиши ҳам мумкин эди: чунки, тилларни, жумладан, қадимги грек, санскрит, турк, араб, лотин тилларини жуда яхши биларди. Ва ниҳоят,

кин шахмат унга озмунча аччиқ дақиқалар ҳам келтирмади. Цукерторт 1842 йилнинг 7 сентябрида Люблинда туғилди. Гимназияда ўқиган ва студентлик йиллари Бреславлда ўтди. Бу ерда у ўн уч яшарли-

либ боқади. Ушбу ўйинлар орасидаги танаффусларда Цукерторт шахмат журналларини таҳрир қилар, бир йўла 16 тахтада гоёйбона ўйин борасидаги санъатини намойиш этар, Дюфрөн билан биргаликда шахмат ўйини-

либ боқади. Ушбу ўйинлар орасидаги танаффусларда Цукерторт шахмат журналларини таҳрир қилар, бир йўла 16 тахтада гоёйбона ўйин борасидаги санъатини намойиш этар, Дюфрөн билан биргаликда шахмат ўйини-

либ боқади. Ушбу ўйинлар орасидаги танаффусларда Цукерторт шахмат журналларини таҳрир қилар, бир йўла 16 тахтада гоёйбона ўйин борасидаги санъатини намойиш этар, Дюфрөн билан биргаликда шахмат ўйини-

либ боқади. Ушбу ўйинлар орасидаги танаффусларда Цукерторт шахмат журналларини таҳрир қилар, бир йўла 16 тахтада гоёйбона ўйин борасидаги санъатини намойиш этар, Дюфрөн билан биргаликда шахмат ўйини-

либ боқади. Ушбу ўйинлар орасидаги танаффусларда Цукерторт шахмат журналларини таҳрир қилар, бир йўла 16 тахтада гоёйбона ўйин борасидаги санъатини намойиш этар, Дюфрөн билан биргаликда шахмат ўйини-

Мамажон МУХИТДИНОВ.

Маррага яқин қолганда хиёл қоқилган бўлсада, бу энди ўринлар тақсимотига таъсир кўрсата олмади. У энг яқин рақобатчиси Стейницдан 3 очко ўзиб, биринчи бўлди. Бу иккинчи совриндорни шу заҳотиёқ гоёйбон жаҳон биринчилиги матчига қаҳришга мажбур этган зафар бўлган эди.

Уч йилдан кейин ўтган кейинги бешлашув шахмат тоғи учун биринчи расмий матч вазифини ўтади. У АҚШнинг 3та шахрида ўтган эди. 5 партияда 4 1/2 очко олган Цукерторт биринчи сирини ютиб чиқди. Иккинчисида Стейниц ҳисобини тенглаштиришга эришди. Учинчи серия Стейницнинг устунлигида ўтди. Цукерторт матчи ноуберди: +5-10=5

Романтикнинг фантазияси биринчи жаҳон чемпионининг рационализмидан енгилди. Цукерторт бу муваффақиятсизликлардан қаттиқ азоб кечди. У матчдан кейин икки йил ўтгач, 1888 йилнинг 20 июнида Лондонда вафот этди.


Лекин Цукертортнинг битта галабаси ажралиб туради. 1883 йили Лондонда шахмат ғосининг энг сара билимдонларини тўплаган халқаро турнир ўтарди. Ҳеч қачон Цукерторт бу галгидек илҳом билан ўйнамаган бўлса керак. У деярли турнирнинг бошидан охиригача бошқалардан анча олдинда борди.

ЦУКЕРТОРТ



МАРОҚЛИ МАШҚЛАР

Иккала тасвирда ҳам оқлар бошлаб, икки юришда мот қилади.



асарлар яратди. Бунинг қарангич, ҳаддан зиёд истеъдодли киши шахматни деб ҳаммасидан воз кечадди: у шахматни ўзини имкони борица тўлароқ ифодадай оладиган бирдан-бир санъат деб ҳисоблайди. Нима ҳам дердик, танланган йўли унга шўҳрат келтирди, тоғ соҳиб бўлди. Шахмат тахтига дастлабки икки талабгордан биттаси бўлиш бахти насиб этди. Ле-

гиди шахмат ўйини билан танишди, дастлабки муваффақиятларга эришди. Ёш шахматчи юқорида осонликча кўтарилмади. Лекин Стейниц билан бўлган олишув дагидек бирдан булут босган онлар ҳам бўларди. Кейин яна Лондон, Лейпциг, Париж, Берлин, Венадаги турнирларда юқори ўринларни олади, Розенталь ва Блэкберидан матларда омад ку-

дарлигини чиқарган эди. Лекин Цукертортнинг битта галабаси ажралиб туради. 1883 йили Лондонда шахмат ғосининг энг сара билимдонларини тўплаган халқаро турнир ўтарди. Ҳеч қачон Цукерторт бу галгидек илҳом билан ўйнамаган бўлса керак. У деярли турнирнинг бошидан охиригача бошқалардан анча олдинда борди.

КУТУБХОНА БОЙИДИ

Республика илмий-техника кутубхонасининг халқаро алоқалари йил сайин кенгайиб бормоқда. Унинг адабиётларни оммалаштириш борасидаги фаолияти тақдирланиб, қатор грантларга эга бўлинмоқда.

Европа-Осиё халқаро жағмармаси томонидан ажратилган махсус грант эса кутубхона фондидини янги адабиётлар билан бойитиш имконини берди. Бу нашрлар орасида кичик бизнесга доир китоблар ҳам анчагина.

Айни вақтда грант маблағи ҳисобидан кутубхона ўзининг янги нашрини чоп этишга киришди. Ахборот бюллетени сифатида нашр этила бошлаган бу бюллетен «Кичик, ўрта ва хусусий бизнес» деб номланиб, йилнинг ҳар бир чорағида босиб чиқарилади. Унда тадбиркор ва ишбилармонларга ёрдам тариқасида кўплаб фойдали ахборотлар ёритилади.

Шу сабабли ҳам ушбу янги бюллетен товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар, бизнес-фондлар, бизнес-марказларга кўплаб нусхада етказиб берилмоқда. А.АЛИЕВ.

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ Таҳрир ҳайъати:

Ж.Алимуҳаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари- «Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78; 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-63

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Маълумоти: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютерда терилди ва сақдаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Умумий адади 14.002 нусха. Сotувада эркин нарҳда.

«Шарк» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзил: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти - 21.00 Топширилади 22.30